

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«GROSS СУФУРТА КОМПАНИЯСИ» АЖ  
Бошқаруви раиси

О. Х. Назаров  
24 апрел 2024 йил



**«AVTO-MED» БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН  
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

Ушбу «AVTO-MED» бахтсиз ҳодисалардан суфурта қилиш учун оммавий оферта (бундан бүён матнда Оферта деб юритилади) «GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖнинг (бундан бүён матнда Суфурталовчи деб юритилади) қуйида келтирилган шартларда Суфурталовчининг ахборот тизимлари воситасида «AVTO-MED» бахтсиз ҳодисалардан суфурта қилиш шартномасини (бундан бүён матнда Суфурта шартномаси деб юритилади) тузиш юзасидан номаълум доирадаги жисмоний ва юридик шахсларга (бундан бүён матнда Суфурта қилдирувчи деб юритилади) йўлланган таклифи бўлиб ҳисобланади.

Ушбу Оферта шартларининг қабул қилиниши ва шартлашилган суфурта мукофотининг тўланиши унинг шартларини акцептлаш ҳамда Суфурта қилдирувчининг суфурта шартномасини тузишга розилиги бўлиб ҳисобланади. Суфурта қилдирувчи томонидан суфурта мукофоти тўланганлиги факти тасдиқланганидан кейин унга Суфурта полиси ушбу Офертага иловада келтирилган шакл бўйича электрон кўринишда юборилади ва Суфурта шартномаси тузишган деб ҳисобланади.

Бунда Суфурталовчининг мажбуриятлари Суфурта полисида унинг амал қилиши муддатини бошланиши сифатида кўрсатилган санадан эътиборан соат 00:00:00 да кучга киради. Суфурта қилдирувчи ва Суфурталовчи Суфурта шартномасининг тарафлариидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ Оферта юборилган шахснинг «Оммавий оферта шартларига розиман» тугмасини босган ҳолда уни қабул қилинганлиги ҳақидаги жавоби акцептлаш (сўзсиз қабул қилиш) деб ҳисобланади ва у билан қуйидагиларга розилик ифодаланади:

✓ ушбу Оферта шартлари, шу жумладан унда баён қилинган суфурта шартларига розилик;

✓ суфурта шартномасини бажариш ва ички ҳужжатлар айланмасини таъминлаш мақсадида аризани тўлдириш чоғида қайд этилган шахсларнинг шахсга доир маълумотлари билан автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган тарзда ишлов бериш йўли орқали ишлашга, жумладан уларни йиғиш, тизимлаштириш, консолидация қилиш, сақлаш, аниқлаш, улардан фойдаланиш, уларни эгасиз қилиб қўйиш, блоклаш, йўқ қилишга (йўқ қилинганлиги ҳақида билдиришномасиз), шунингдек уларни учинчи шахсларга беришга розилик.

Суфурта шартномасини тузиш учун Суфурта қилдирувчининг телефон рақами (ёки электрон почта манзили) мавжудлиги, шунингдек Суфурталовчининг интернет ресурсида онлайн режимда платформа талаб қилинади.

«Оферта», «Суфурта қоидалари», «Суфурта шартномаси» ва «Суфурта полиси» ҳаволалари бундан бүён матнда ушбу Офертага нисбатан бир хил аҳамиятга эга бўлади.

**1-БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу Оферта Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ, шунингдек умумий суфурта соҳасининг I класси бўйича «Бахтсиз ҳодисалардан суфурта қилиш» қоидалари

асосида ишлаб чиқилган бўлиб, транспорт воситасида бўлган ва/ёки ундан фойдаланаётган шахсларни баҳтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурта қилиш тартиби ва шартларини белгилаб беради.

1.2. Ушбу Офертага кўра Суғурталовчи шартлашилган суғурта мукофоти эвазига ва суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ва/ёки соғлиғига йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) натижасида етказилган зиён ўрнини Суғурта полисида кўрсатилган суғурта суммаси доирасида қоплаш мажбуриятини зиммасига олади.

## 2-БЎЛИМ. АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУШУНЧАЛАРИ

Ушбу хужжатда фойдаланилган барча атамалар ва тушунчалар мазкур Офертада улар учун баён қилинган таърифга эга. Офертада тушунчага (атамага) таъриф мавжуд бўлмаган тақдирда, уларнинг таърифи Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукуқий хужжатларига мувофиқ аниқланади.

2.1. **Суғурта полиси (Полис)** – суғурта шартномаси тузилганлиги ва Суғурталовчи мажбуриятларини кучга кирганилиги фактини тасдиқлайдиган, Суғурта қилдирувчига у суғурта мукофотини тўлаганидан кейин бериладиган хужжат. Полис ушбу Офертага Иловада келтирилган шакл бўйича Суғурталовчи томонидан бир томонлама тартибда расмийлаштирилади.

2.2. **Суғурта ҳодисаси** – Суғурта даврида содир бўлган, ушбу Офертада назарда тутилган ҳодиса бўлиб, у юз бериши билан Суғурталовчидан суғурта тўловини тўлаш мажбурияти юзага келади.

2.3. **Йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ)** – транспорт воситаси йўлда ҳаракатланиши жараёнида юзага келган, бунинг натижасида Суғурта қилинган шахс вафот этган ёки унинг соғлиғига зиён етказилган ҳодиса.

2.4. **Транспорт воситаси** – одамларни, юкларни ташиш ёки маҳсус ишларни бажариш учун мўлжалланган қурилма.

2.5. **Йўл** – транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган ва фойдаланиладиган чизиксимон ер бўлаги ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл автомобил йўлларини, шаҳар электр транспорти йўлларини ва тротуарларни ўз ичига олади.

2.6. **Суғурта суммаси** – Полисда кўрсатиладиган ва ўзи билан Полис бўйича Суғурталовчи мажбуриятларининг энг кўп ҳажмини ифодалайдиган пул маблағлари суммаси.

2.7. **Суғурта мукофоти** – Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига Полисда ва ушбу Офертада белгилangan тартибда ва муддатларда тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов.

2.8. **Суғурта тўлови** – ушбу Офертада назарда тутилган суғурта ҳодисаси (ҳодисалари) юз берганида Суғурталовчи томонидан Суғурта қилинган шахсга/Наф олувчига ёки уларнинг қонуний меросхўрлариша персонал суғурта суммаси доирасида тўланадиган пул маблағлари суммаси.

2.9. **Суғурта даври** – Полисда кўрсатилган, Суғурталовчининг суғурта ҳимояси бўйича мажбуриятлари амал қиласидиган вақт даври.

2.10. **Суғурта қилинган шахс** – транспорт воситасининг ичидаги бўлган, мулкий манфаатлари унинг ҳаёти, соғлиғи ва мөҳнатга лаёқатлиги билан боғлиқ ҳолда суғурта обьекти бўлган ва Полис унинг фойдасига расмийлаштирилган жисмоний шахс. Суғурта қилинган шахс ҳақидаги маълумотлар Полисда кўрсатилади.

2.11. **Наф олувчи** – Суғурта қилинган шахс вафот этган тақдирда, агар Суғурта қилинган шахс ёки Суғурта қилдирувчи томонидан бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Суғурта қилинган шахснинг қонуний меросхўрлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра Наф олувчилар деб тан олинади. Агар бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Суғурта қилинган шахснинг ўзи барча бошқа тўловлар бўйича Наф олувчидир.

2.12. **Баҳтсиз ҳодиса** – Суғурта қилинган шахснинг иродасига боғлиқ бўлмаган,

тасодифан, қисқа муддатда юз берадиган ҳодиса бўлиб, у одам организмига ташқаридан таъсир қиласи ва травматик шикастланишни ёхуд соғлиқни бошқача тарзда бузилишини келтириб чиқаради.

**2.13. Тан жароҳати** – енгиг бўлмайдиган, тасодифан, очиқ-ойдин бўлган ташқи таъсир натижасида тўғридан-тўғри, бошқа сабабларга боғлиқ бўлмаган ҳолда етказилган организм жисмоний яхлитлигининг бузилиши. У касалликларни ўз ичига олмайди, бундан мазкур таъсир ёки унинг оқибатларидан тўғридан-тўғри ва мутлақ келиб чиқадиган касалликлар мустасно.

**2.14. «Соғлиқнинг бошқача тарзда бузилиши»** остида қўйидагилар тушунилади:

а) қўйишлар, портлашлар, яшин уриши ёки электр токи таъсирида олинган тан жароҳатлари;

б) кимёвий (саноат ёки майший) моддалар билан заҳарланишлар ва/ёки заҳарли ва/ёки қўйдирувчи моддалар, буғлар ёки газлар билан нафас олганда ёки уларга текилганида юзага келадиган қўйишлар;

в) совук уриши, чўкиш, тажовузкор шахслар ёки ҳайвонларнинг хужум қилиши, офтоб уриши, нафас йўлларига бегона жисмни тасодифан тушиши, заҳарли ўсимликлар билан тасодифан ўткир заҳарланиш, шунингдек ҳар қандай транспорт воситаларининг (автомобил, поездлар, трамвай ва бошқаларнинг) ҳаракатланишида ёки улар ҳалокатга учраганда, машиналар, механизмлар ва бошқа турдаги асбоб-ускуналардан фойдаланганда олинган шикастланишлар.

**2.15. Соғлиқнинг турғун шикастланиши (ногиронлик)** – Суғурта қилинган шахснинг умумий меҳнат лаёқатини тўлиқ доимий йўқотилиши билан аниқланадиган, даволаш жараёнида турғун ва қайтмайдиган табиатга эга бўлган, суғурта даври мобайнида юзага келган, ушбу Офертада назарда тутилган баҳтсиз ҳодиса оқибатларидан келиб чиқадиган ҳолати.

**2.16. Суғурта ҳудуди** – Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди.

### 3-БЎЛИМ. СУҒУРТА СУБЪЕКТЛАРИ

3.1. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний ёки юридик шахслар ушбу Оферта доирасида Суғурта қилдирувчилар бўлиши мумкин.

3.2. 1 ёш ва ундан катта ёшдаги Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Офертага кўра Суғурта қилинган шахс бўлиши мумкин.

3.3. Тиббий хулоса билан тасдиқланадиган I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, доимий парваришга муҳтож бўлган шахслар, руҳий касалликларга чалинган ва/ёки руҳий ҳолати бузилган шахслар Суғурта қилинган шахслар бўла олмайди. Агар Полис бундай шахсларга нисбатан расмийлаштирилганлиги аниқланса, бундай Полис у расмийлаштирилган кундан эътиборан ҳақиқий эмас деб тан олинади.

### 4-БЎЛИМ. СУҒУРТА ОБЪЕКTLARI

4.1. ЙТҲ оқибатида Суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказилиши билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид келмайдиган мулкий манфаатлар ушбу Офертага кўра суғурта объектиdir.

### 5-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

5.1. Ушбу Офертага мувофиқ суғурта даврида ва суғурта ҳудуди доирасида содир бўлган, ЙТҲ оқибати бўлган қўйидаги воқеалар суғурта ҳодисасидир:

5.1.1. Суғурта қилинган шахснинг тан жароҳати олиши ва/ёки соғлиғининг бошқана

тарзда бузилиши;

5.1.2. Суфурта қилинган шахсга суфурта даврида биринчи бор содир бўлган ногиронликни белгиланиши. Ушбу бандда ногиронликнинг белгиланиши остида ваколатли давлат органи томонидан берилган маълумотномага кўра Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларига мувофиқ тиббий экспертиза стандартлари бўйича малакаланадиган ҳолат тушунилади. Суфурталовчи ногиронлик гуруҳи белгиланиши факти, сабаблари ва ҳолатларини текшириш хуқуқини ўзида сақлаб қолади.

5.1.3. Суфурта қилинган шахснинг вафот этиши.

5.2. 5.1.1, 5.1.2 ва 5.1.3-кичик бандларда назарда тутилган, ЙТҲ юз бериши кунидан эътиборан олти ой ичида, шунингдек Суфурта полиси амал қилиши тугаганидан кейин олти ой ичида юзага келган ЙТҲ оқибатлари ҳам ушбу Офертага кўра қопланади, аммо бунда ЙТҲ суфурта даврида ва худуди доирасида юз берган бўлиши шарт.

## 6-БЎЛИМ. ИСТИСНОЛАР

6.1. Ушбу Офертага кўра, мазкур Офертанинг 5-бўлимида кўрсатилган, қуйидагилар тўғридан-тўғри ёки билвосита сабаб бўлган воқеалар суфурta ҳодисаси деб тан олинмайди:

- Суфурта қилинган шахс томонидан мотоцикллар, мопедлар, скутерлар, квадроцикллардан фойдаланиш пайтида бошқа транспорт воситаси билан тўқнашиши фактисиз олинган шикастланишлар;
- суфурta ҳодисаси билан бевосита сабаб боғланишида бўлган, Суфурта қилинган шахс томонидан қасдан жиноят содир этилиши натижасида юз берган травматик шикастланиш ёки соғлиқнинг бошқача бузилиши;
- ўз жонига қасд қилишга уриниш ёки ўзига қасдан тан жароҳатлари етказиш;
- Суфурта қилинган шахс транспорт воситасини бошқаришга хуқуқи учун тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган ҳолда уни бошқарганида ЙТҲ оқибатида олинган шикастланишлар;
- уруш ва ҳар қандай турдаги ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий тадбирлар ва уларнинг оқибатлари, бошқа худди шундай ёки уларга тенглаштирилган воқеалар (уруш эълон қилинганидан қатъи назар), фуқаролар қўзғолони ёки ҳарбий қўзғолонга, исёнга, ҳокимиятни қуролли ёки бошқа ноқонуний эгаллаб олишга айланиб кетишини назарда тутадиган исён, фитна, ҳар қандай фуқаролар ғалаёнлари, иш ташлашлар, шунингдек қурол ва ўқ-дориларни қўллаш ва/ёки сақлаш билан боғлиқ ҳар қандай бошқа шунга ўхшаш воқеа, жумладан террорчиллик ҳаракати;
- ядро портлаши, радиация ва радиоактив зарарланиш.

## 7-БЎЛИМ. СУФУРТА СУММАСИ, СУФУРТА МУКОФОТИ ВА УНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу Оферта шартларига кўра Суфурta суммаси ва Суфурta мукофотининг миқдори Суфурталовчи ва Суфурta қилдирувчи ўртасидаги келишув билан Суфурталовчининг тариф ставкаларига мувофиқ аниқланади ва Суфурta полисида кўрсатилади.

7.2. Суфурta мукофоти Суфурta қилдирувчи томонидан бир йўла тўлов билан Суфурталовчининг ҳисобварафига пул маблағларини ўтказиш йўли орқали тўланади.

## 8-БЎЛИМ. СУФУРТА ШАРТНОМАСИНИ (ПОЛИСИНИ) ТУЗИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Суфурta шартномаси ушбу Оферта асосида Суфурta мукофотини кейинги тўлаган ҳолда Суфурталовчининг ахборот тизимига суфурta қилинган шахс(лар) ҳақидаги маълумотларни Суфурta қилдирувчи томонидан киритиш ва Суфурta қилдирувчига Полис бериш йўли билан тузилади.

8.2. Полисда суфурta ҳодисаси юз беришига қадар бирор-бир нотўғри, шунингдек

ҳақиқий бўлмаган хабар ёки маълумотлар аниқланган тақдирда, бундай Полис Суғурта қилдирувчининг ёзма аризаси асосида Суғурталовчи томонидан қайта расмийлаштирилиши мумкин. Бошқа ҳолларда, шу жумладан суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин Полисда нотўғри, шунингдек ҳақиқий бўлмаган хабар ёки маълумотлар аниқланган тақдирда, бундай Полис қайта расмийлаштирилмайди.

8.3. Суғурта даври тугамаган Полис тарафлардан бирининг – Суғурта қилдирувчи ёки Суғурталовчининг аризасига кўра қуйидаги шартларни ҳисобга олган ҳолда бекор қилиниши мумкин:

8.2.1. Суғурталовчининг ўз мажбуриятларини бузишдан келиб чиқсан ҳолда Полисни бекор қилиш талаб қилинган тақдирда, тўланган суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда қайтарилиши лозим, бундан Полис бўйича суғурта товони тўланган ёки тўланиши лозим бўлган ҳолларда тўланган суғурта мукофоти қайтарилиши мумкин.

8.2.2. Суғурта қилдирувчи томонидан Полисни ушбу Офертанинг 8.2.1-бандига тааллуқли бўлмаган сабабларга кўра бекор қилиш талаб қилинган тақдирда, тўланган суғурта мукофоти қайтарилиши мумкин.

8.2.3. Суғурта қилдирувчининг ўз мажбуриятларини бузишдан келиб чиқсан ҳолда Полисни бекор қилиш талаб қилинган ёки Полис ушбу Офертанинг 3.3-бандига мувофиқ ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда, тўланган суғурта мукофоти қайтарилиши мумкин.

## 9-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАВРИ

9.1. Суғурта даври суғурта мукофоти тўланган кундан кейинги келадиган кундан эътиборан соат 00:00 да бошланади. Бунда Суғурталовчининг ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилган кун суғурта мукофоти тўланган кун деб ҳисобланади.

9.2. Суғурта даври Полисда кўрсатилган Суғурта даври тугаган санага қадар амал қиласди.

## 10-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 10.1. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Суғурталовчидан Полис ва ушбу Офера бўйича мажбуриятлар бажарилишини талаб қилиш;

б) Суғурталовчининг суғурта масалалари бўйича маслаҳатларини олиш.

### 10.2. Суғурта қилдирувчи қуйидагиларни бажариши шарт:

а) Полис тузилганида Суғурта қилинган шахсни ва Наф оловчини суғурта шартлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириши;

б) суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни кўриши шарт.

### 10.3. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Суғурта қилдирувчи ва Суғурта қилинган шахсдан (Наф оловчидан) ушбу Офера бўйича мажбуриятлар бажарилишини талаб қилиш;

б) агар Суғурта қилдирувчи/Суғурта қилинган шахс/Наф оловчи қуйидагиларни бажармаса, тўловни рад этиш:

- Суғурталовчига содир бўлган ЙТҲ ҳақида ўз вақтида хабар бермаган бўлса;

- содир бўлган ҳодисани Суғурта ҳодисаси деб тан олиниши учун, шунингдек бундай ҳодисани юз берган натижа (олинган шикастланишлар ва бошқалар) билан сабаб боғлиқлигини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмаган бўлса ёки олдиндан била туриб ёлғон далилларни (маълумотларни) тақдим этган бўлса;

в) Суғурта қилдирувчи томонидан хабар қилинган ахборотни, шунингдек Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта талаблари ва шартлари бажарилишини текшириш.

### 10.4. Суғурталовчи қуйидагиларни бажариши шарт:

а) Суфурта қилдирувчига (Суфурта қилинган шахсга) Полисни Суфурталовчининг банкдаги ҳисобварағига Суфурта мукофоти келиб тушганидан кейин бериши;

б) Суфурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Суфурта қилинган шахсга (Наф оловчига) ушбу Офертада белгиланган тартибда ва муддатларда Суфурта түловини тұлаши шарт.

**10.5. Суфурта қилинган шахс қуйидаги ҳуқуққа әга:**

а) Суфурта ҳодисаси юз берганида ушбу Оферта бүйича қабул қилинган мажбуриятларнинг Суфурталовчи томонидан бажарилишини талаб қилиш.

**11-БҮЛІМ. СУФУРТА Даъволарини қўриб чиқиш тартиби**

11.1. Суфурта ҳодисаси белгиларига әга воқеа юз берганида Суфурта қилдирувчи (Суфурта қилинган шахс/Наф оловчи) қуйидагиларни бажариши шарт:

а) имкон қадар дархол, аммо суфурта ҳодисаси белгиларига әга воқеа юз берган пайтдан эътиборан 30 (үттиз) кундан кечикмай Суфурталовчига мазкур воқеа юзага келишига таъсир күрсатган сабаблар ва ҳолатларни күрсатган ҳолда ёзма аризани юбориши;

б) Суфурта қилдирувчи томонидан ушбу Офертанинг 11-бўлимидаги кўрсатилган хужжатлар 3 (уч) календар ойи ичида узрсиз сабабларга кўра тақдим этилмаган тақдирда, Суфурталовчи содир бўлган воқеани суфурта ҳодисаси деб тан олмасликка ва суфурта таъминотини тўлашни рад этишга ҳақли.

11.2. Суфурта қилдирувчи, Суфурта қилинган шахс ёки Наф оловчи суфурта даъвоси қўриб чиқилиши учун қуйидаги хужжатларни тақдим этиши керак:

**11.2.1. Суфурта қилинган шахс тан жароҳати олганда ва/ёки соғлиғи бошқача тарзда бузилганда:**

а) суфурта полиси;  
б) шахсини тасдиқловчи хужжат;  
в) тиббиёт муассасасидан ташхис, сабаблар ва шу кабилар баён қилинган ҳолда маълумотнома;

г) агар Суфурта қилинган шахс/Наф оловчи транспорт воситасини бошқарган бўлса, ЙТХда алкогол, наркотик восита ёки токсик модда таъсири остида мастлик ҳолати мавжуд эмаслиги ҳақида тиббий хulosса.

**11.2.2. Суфурта қилинган шахс соғлиғи турғун бузилганда (ногиронлиқда)** – 11.2.1-банди бўйича тақдим этилган хужжатларга қўшимча равишда ногиронлик даражаси кўрсатилган ҳолда ваколатли давлат органининг хulosасини Суфурталовчига тақдим этади.

**11.2.3. Суфурта қилинган шахс вафот этган тақдирда:**

а) Суфурта полиси;  
б) Наф оловчининг шахсини тасдиқловчи хужжат;  
в) ўлим тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

11.3. Суфурта ҳодисаси юз берганлиги факти Суфурталовчи томонидан ЙТХ дан кейин ва фақат суриштирув (тергов) органлари ёки суд томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ тегишли равишда расмийлаштирилган хужжатлар асосида тан олинади. ЙТХ юз берганлиги фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд эмаслиги ёки уларни Суфурталовчига тақдим этилиши асоссиз равишда 90 (тўқсон) кундан ортиқ муддатга кечикирилганлиги аниқланган тақдирда, Суфурталовчи хабар қилинаётган воқеани суфурта ҳодисаси деб тан олмасликка ва суфурта түлови тўлашни (харажатларни қоплашни) рад этишга ҳақли.

11.4. Суфурталовчи ушбу Офертанинг 6-бўлимидаги кўрсатилган воқеалар натижасида суфурта ҳодисаси юзага келиши эҳтимолини истисно қилиш учун қўшимча хужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига әга.

11.5. Суфурта қилдирувчи томонидан суфурта ҳодисаси ҳақида хабар берилган тақдирда,

Суфурталовчи суфурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеанинг тури, сабаблари ва ҳолатларини батафсил ўрганиш учун ўз ходимини ёки даъволарни кўриб чиқиш ишониб топширилган бошқа шахсни йўллашга ҳақли.

11.6. Суфурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеанинг сабаблари ва ҳолатларини кўрсатувчи ҳужжатларга асосланган ҳолда Суфурталовчи томонидан юз берган воқеани суфурта ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида қарор чиқарилади. Суфурталовчи томонидан суфурта ҳодисаси тан олинган тақдирда, тарафлар томонидан Суфурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузилади ва имзоланади, унда тўланиши лозим бўлган суфурта товони суммаси белгиланади.

11.7. Суфурталовчининг суфурта таъминоти тўлашни рад этиш ҳақидаги қарори барча ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин 15 (ўн беш) кундан кечикмай Суфурта қилдирувчига/Суфурта қилинган шахсга/Наф оловчига хабар қилиниши керак ва у рад этиш асослантирилган сабабларни ичига олиши керак.

11.8. Агар суфурта ҳодисаси юзага келгандилиги факти бўйича жиноят иши, маъмурӣ ҳукуқбузарлик тўғрисида иш ёки фуқаролик иши қўзғатилган бўлса, Суфурталовчи тўланиши лозим бўлган суммани тўлаш ҳақидаги масалани ҳал этишни суд ёки ваколатли органлар томонидан якуний ва тегишли қарор қабул қилиниши пайтига қадар кечикириш ҳукуқига эга.

11.9. Суфурта ҳодисаси юз берганлигини исботлаш Суфурта қилдирувчи, Суфурта қилинган шахс ёки Наф оловчи зиммасида бўлади.

## 12-БЎЛИМ. СУФУРТА ТАЪМИНОТИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

12.1. Суфурта қилинган шахс ушбу Оферта шартларига мувофиқ суфурта ҳодисаси деб тан олинадиган баҳтсиз ҳодиса оқибатида тан жароҳатларини олган ва/ёки унинг соғлиғи бошқача тарзда бузилган тақдирда, суфурта таъминотининг миқдори Суфурталовчи томонидан тасдиқланган «Суфурта қилинган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зиён ўрнини қоплаш бўйича тўловлар жадвали» шартларидан келиб чиқсан ҳолда, аммо персонал суфурта суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Суфурта тўловлари жадвали билан ([https://gross.uz/media/insurance\\_payout\\_table\\_ru.pdf](https://gross.uz/media/insurance_payout_table_ru.pdf)) ҳаволаси орқали ўтган ҳолда Суфурталовчининг Интернет-сайтида танишиб чиқиш мумкин.

Агар Суфурта қилинган шахс томонидан олинган тан жароҳати Суфурта тўловлари жадвалида кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда суфурта таъминотини ҳисоблаш учун Суфурталовчи томонидан оғирлиги даражаси бўйича яқин бўлган тан жароҳати учун суфурта суммасидан фоиз қўлланади.

12.2. Суфурта қилинган шахсга баҳтсиз ҳодиса юз берган кундан эътиборан олти ой ичида ногиронлик гуруҳи белгиланган тақдирда, суфурта тўлови ушбу Офертанинг 5-бўлими 5.1.1 ва 5.1.2-бандларида кўрсатилган суфурта ҳодисалари муносабати билан илгари тўланган суммаларни ҳисобга олган ҳолда, аммо Полисда кўрсатилган персонал суфурта суммасидан ортиқ бўлмаган ҳолда қуйидаги тартибда тўланади:

- Суфурта қилинган шахсга ногиронликнинг I гуруҳи белгиланганда – персонал суфурта суммасидан 100% миқдорда;
- Суфурта қилинган шахсга ногиронликнинг II гуруҳи белгиланганда – персонал суфурта суммасидан 80% миқдорда;
- Суфурта қилинган шахсга ногиронликнинг III гуруҳи белгиланганда – персонал суфурта суммасидан 60% миқдорда.

12.3. Суфурта қилинган шахсга Полис амал қилиши даврида ногиронликнинг юқорироқ гуруҳи белгиланган тақдирда, суфурта тўлови ушбу Офертанинг 5-бўлими 5.1.1 ва 5.1.2-бандларида кўрсатилган суфурта ҳодисаси муносабати билан илгари тўланган суммаларни





«AVTO-MED» БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН  
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-65/К1

8-бет 9 бетдан  
19.04.2024 й.

ҳисобга олган ҳолда, аммо Полисда кўрсатилган суғурта суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

12.4. Суғурта қилинган шахс вафот этган тақдирда, суғурта тўлови суммаси Суғурта қилинган шахсга илгари тўланган суғурта таъминоти суммалари айриб ташланган ҳолда мазкур Суғурта қилинган шахс учун белгиланган персонал суғурта суммасининг 100% миқдорини ташкил этади.

12.5. Суғурталовчи томонидан Суғурта даври давомида айнан битта Суғурта қилинган шахс билан содир бўлган битта ёки бир нечта суғурта ҳодисаси бўйича тўланган суғурта тўловининг умумий суммаси унинг Полисда кўрсатилган персонал суғурта суммасидан ошмаслиги керак.

12.6. Суғурта тўлови Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан эътиборан 5 (беш) банк куни ичида тўлаб берилади.

### 13-БЎЛИМ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

13.1. Ушбу Офертада назарда тутилган ёки у билан боғлиқ масалалар юзасидан низолар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, тарафлар уларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш чораларини кўради.

13.2. Ушбу Офертадан келиб чиқадиган ёки у билан боғлиқ, шу жумладан унинг ижро этилиши, бузилиши, тугатилиши ёки ҳақиқий эмаслигига тааллуқли низолар ёки келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал қилиниши лозим.

GROSS



## «AVTO-MED» БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА

**FK-65/K1**  
9-бет 9 бетдан  
19.04.2024 й.

**2024 йил \_\_ апрелдагы  
«AVTO-MED» баҳтсиз ҳодисалардан  
суғурта қилиш учун оммавий офертаға  
Илова**

# «AVTO-MED» СУФУРТА ПОЛИСИНИНГ НАМУНАСИ



Полис серияси ва раками: EGA 0000000

**Полис берилган сана:** \_\_\_\_\_. \_\_\_\_\_. \_\_\_\_\_

## «AVTO-MED» бағтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш учун СУҒУРТА ПОЛИСИ

Ушбу Полис «AVTO-MED» баҳтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш оммавий офертага (ушбу маҳсулот билан Полиснинг қуи қисмида келтирилган QR-кодда кодланган иловадан ўтган ҳолда танишиш мумкин) мувофиқ расмийлаштирилган бўлиб, Суғурталовчининг қуидагилар ҳақидаги мажбуриятларини тасдиқлайди:

1	Суғурта қилдирувчи:	
2	Суғурта қилдирувчининг телефон рақами:	+998
3	Суғурта қилинган шахс:	
4	Суғурта қилинган шахснинг туғилган санаси:	
5	Суғурта қилинган шахснинг ID (паспорт) серияси ва рақами:	
6	Суғурта даври:	дан мобайнида
7	Суғурта дастури:	
8	Суғурта суммаси:	
9	Суғурта мукофоти:	

Суғурта полисини текшириш учун  
мобил кирилмасидан QR-кодни  
сканерлаб олинг

Суғурта офертаси билан танишиш  
учун мобил курилмасидан QR-кодни  
сканерлаб олинг

**Туну күн ишлайдиган Мижозларни қўллаб-қувватлаш маркази билан  
1166 телефон рақами орқали боғланиш мумкин**

*[Signature]*